

Қиёси йўқ шармандалиқ: Алфраганусми ёки Аҳмад ал-Фарғоний?

Тошкент шаҳрида буюк аждодимиз, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғоний номида инновацион университет очилган. Бироқ ушбу университет Аҳмад ал-Фарғонийнинг тўлиқ исми билан аталмасдан, унинг қисқартирилган шаклида Алфраганус деб номланади. Бу ном ҳеч бир тўсиққа учрамасдан ҳукумат идораларида рўйхатдан ўтказилган.

Давлат тили бўйича қонунларга эга Ўзбекистонда буюк олимнинг номи нега ўзгартирилди?

Ўзбекистон мустақил бўлганига 32 йил, ўзбек тили давлат тили, деб эълон қилинганига эса 34 йил тўлди. Бу йиллар давомида ўзбек тилининг нуфузи ва мавқеини ошириш тўғрисида Ўзбекистон давлатининг қонуни чиқди ва фармони эълон қилинди. Давлат тилини ривожлантириш департamenti тузилди ва ўз фаолиятини бошлади. Ўзбек тили давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шундай бўлишига қарамай, ўзбек тилига бўлган муносабатни қониқарли деб айтольмаймиз.

Жаҳон халқлари тарихи ва бугунги ҳаётига назар ташласак, ҳеч қайси мамлакатда оммавий ахборот воситаларидағи телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ёки газета-журналлар икки ва ундан ортиқ тилларда фаолият олиб бормайди. Бизнинг мамлакатимизда бунинг аксини кўриш мумкин. Масалан, ўзбек тилида фаолият олиб борган «Дунё бўйлаб» кўрсатуви бугунги кунда рус тилига ўтиб олган. Телекўрсатувларнинг ёки ижтимоий тармоқлардаги дастурларнинг номлари рус ва бошқа халқлар тилидаги сўзлар билан номланади. Пойтахтда умумтаълим мактабларнинг кўп қисмини таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ташкил этади. Тошкент шаҳридаги хусусий мактабларнинг деярли ҳаммаси рус тилида фаолият юритади. Миллий тилнинг равнақи ва мавқеига соя солиб турган ушбу ҳолатлар камлик қилганидек, Россия давлати вазири Ўзбекистонда таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар қуриб беришни ва уларнинг

сонини кўпайтиришни таклиф этди. Ўзбекистон ушбу таклифни мамнуният билан қабул қилди.

Ruslarning тилга муносабати

Рус халқи Ўзбекистонга XX асрнинг биринчи чорагида ўша кўчиришлар туфайли кириб келган. Орадан юз йилдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамай, бу халқ ўз тилини маҳаллий халқлар тили билан қориштириб юбормаган. Ерли халқлар билан қанчалик яқин ва дўстона алоқа муносабатларда бўлмасин, тилининг соғлигини сақлаб келмоқда. Тилнинг соғлигини авайлаб-асраш, унинг нуфузи ва мавқеини сақлаш тўғрисида рус ёзувчиси И.С.Тургенев мана бундай ёзади: «Рус тилида сўзлашганда ҳеч қачон бошқа халқлар тилларидан, яъни ажнабий халқлар тилларидан фойдаланманг, бу тилни муқаддас саждагоҳ каби бошга кўтаринг, тоза ва соғлигини сақланг, эҳтиёт қилинг. Рус тили шунчалик бой ва гўзал тилки, бу тилда сўзлашганда ўзидан камбағал бўлган тилда сўзлашишга асло ҳожат йўқ». Худди шундай мазмундаги фикр ёзувчи Лев Толстойда қўйидагича акс этади: «Сен қандай ўйлайсан билмадим, лекин нима десанг ҳам, она тили ҳар доим она тилилигича қолади. Агар кўнглингни ёзиб дилдан сухбатлашмоқчи бўлсанг, ёдингга ҳеч қачон французча сўзлар келмайди. Агар кўп тил билишингни намойиш этмоқчи бўлсанг, у ҳолда бошқа масала». Машҳур рус ёзувчилари рус тилининг бой, ранг-баранг ва у тилнинг бошқа тиллар билан қиёслаб бўлмаслиги, бу тил рус халқи учун она ва ватан каби муқаддас эканлигини чиройли тасвирлар билан ифода этади. Рус халқи эса, худди юқорида келтирилгандек, бу тилни авайлаб-асрайди, муқаддас билади.

Алфраганусми ёки Аҳмад ал-Фарғоний?

Тошкент шаҳрида буюк аждодимиз, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғоний номида инновацион университет очилган. Бироқ ушбу университет Аҳмад ал-Фарғонийнинг тўлиқ исми билан аталмасдан, унинг қисқартирилган шаклида Алфраганус деб номланади.

Интернетдаги ушбу <https://alfraganusuniversity.uz/uz> номли сайтни очсангиз, Алфраганус Ўзбекистондаги энг инновацион университет номи

билин чиқиб келади. Ушбу номга ургу беришдан мақсад, миллатимизнинг бир неча зиёли вакиллари, айнан Ўзбекистон телевидениесида узоқ йиллар сұхандонлик қылған бир журналист, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигиде юқори лавозимда ишлайдиган яна бир киши “Алфрагунус ким?” деган саволга жавоб беролмадилар. Агар ўша Ўзбекистондаги энг инновацион университет Аҳмад ал-Фарғонийнинг түлиқ исми билан номланганда, университетта, тилимизга, миллатимизга бўлган ҳурмат янада ортар эди. Буюк аждодимиздан фахрланиш ҳисси пайдо бўлар эди.

Миллатдошларимиз, ватандошларимизнинг аксарият қисми, Алфраганус ким эканлигини билмайдилар. Бундай номлар ҳеч бир тўсиққа учрамасдан ҳукумат идораларида рўйхатдан ўтказилди. Оқибатда, миллий тилга бўлган муносабат шу пайтгача қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолаверади, фахрланишимиз керак бўлган аждодларимизнинг муборак номини на миллатимиз, ва на бошқа миллатлар билмасдан яшаб ўтаверадилар. Шаҳар марказида янги қурилган бир мавзе «Миробод кўчаси» деб номланган, аммо бу ном она тилимиздаги сўзлар эмас, французча жумла билан «Мираабад авеню» деб номланган. Бундай манзарани мана бундай таърифлаш мумкин: «Бироннинг кўзи билан кўриш, бироннинг қулоғи билан эшитиш, бироннинг қўли билан овқат ейиш, бироннинг юраги билан севиш, бошқа бир миллат туққан болани менинг болам, дейишга ўхшайди». Бундай авенюлар шаҳарнинг бошқа жойларида ҳам қад ростламоқда. Масалан, «Қорасув авеню», «Оқтош авеню» ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ушбу авенюлар ёки бошқа корхона, ташкилот, муассасаларнинг номлари давлат идораларида рўйхатдан ўтказилади-ку ахир?!

Ҳиссиз авлод

Хулоса ўрнида, буюк маърифатпарвар адаб Маҳмудхўжа Бехбудийнинг биргина «Сарт» сўзи ҳақида «Ойна» журналида чоп этилган публицистик мақолалари ва у мақолалар хусусида юритилган баҳс-мунозараларни ёдингизга солмоқчиман. Маҳмудхўжа Бехбудий «Сарт» сўзи бизнинг тилимиз, миллатимизга хос сўз эмаслиги ҳақида журналнинг 1914-1915 йиллар

давомидаги бир неча нашрларида «Сарт сўзи маълум бўлмади» (1914), «Сарт сўзи мажхулдир» (1915) сарлавҳали мақолалари билан баҳс юритади ва миллий ғурур учун тинимсиз қурашади. Биз эса Аҳмад ал-Фарғонийдек олимнинг исми қисқартириб аталса ҳам, ўзбек тилида ифодалаш керак бўлган жой номларини бошқа халқлар тилида номлаб қўйишса ҳам, ҳиссиз ва бефарқ томошабин бўлиб турибмиз¹.

Азимжон Давронов

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори

¹ <http://ishonch.uz/news/752>